Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

22 ЯНВАРЬ, ШАНБА. № 16 (764).
Сотувда эркин нархда. 1994 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ХУСУСИЙ МУЛК МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бозор механизми самарали ишлаши учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш зарурлигидан келиб чиқиб ҳамда хусусий мулкни ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Республика ҳаётининг барча соҳаларида иқтисодий ислоҳотларни жорий этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича Идораларо Кенгаш ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Кенгашнинг тузилмасини, таркибини, мақомини ва унинг ижроия аппарати штатларини белгиласин.

2. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича Давлат дастурини ишлаб чиқсин ҳамда кўриб чиқиш тонна озуқа экинлари, 5,7 саноат ва қурилиш тармоқларида хусусийлаштиришни амалга оширишга алоҳида эътибор берилсин. Унда қуйидагилар назарда тутилсин:

ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларини фуқароларнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнига эркин киришини таъминлайдиган очиқ турдаги жамиятларга айлантириш;

Республика кўчмас мулк савдоси биржасини ташкил этиш ҳамда хусусийлаштирилиши керак бўлган давлат объектларини у орқали сотишни амалга ошириш;

Республика фонд биржасини ташкил этиш ҳамда унда хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларининг биринчи туркуми жойлаштирилишини таъминлаш.

«Ўздавжамғарма» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда ташкил этилаётган ва қайта тузилаётган акционерлик жамиятларининг акцияларини чиқаришни ва уларнинг фонд биржасида жойлаштирилишини таъминласин.

3. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини, шунингдек, улар жойлашган ер участкаларини жисмоний ва юридик, шу жумладан, хорижий шахсларга хусусийлаштириладиган объектларни сотиб олишда улар фойдаланадиган маблағларнинг манбалари бўйича декларацияни улардан талаб қилмаган ҳолда танлов асосида хусусий мулк қилиб сотишга рухсат берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари хусусий мулк асосида қурилаётган ва ташкил этилаётган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган жойларнинг энг нуфузли ва гавжум қисмларида жойлаштиришни назарда тутсинлар.

Бунинг учун тегишли маблағлар ва имкониятларга эга бўлганларнинг ҳаммасига зарур имтиёзлар, шу жумладан, кредитлар, шунингдек, хусусий корхона эгаларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида давлат кафолатлари берилсин.

Барча давлат тузилмалари ва мансабдор шахслар Фармоннинг ушбу бандини сўзсиз бажаришни таъминласинлар, бунда хусусий мулкчилик ҳуқуқига нисбатан ҳар қандай тажовуз қонун билан қатъий ва аёвсиз баратараф этилиши назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

давлатга қарашли бўлмаган мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ҳамда фуқароларнинг хусусий мулкка эгалик ҳуқуқларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларини белгиласин. Кўрсатилган таклифлар директив органларга тақдим этилсин;

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Фуқаролик кодексларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни тақдим этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикасида валюта бозорини ривожлантириш ва муомаладаги мавжуд валюта ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки:

халқаро банк амалиётида қабул қилинган нормаларга мувофиқ фоизлар тўлаган ҳолда жисмоний шахсларга чет эл валютасида счётлар очиш учун жойларда зарур шароитлар яратсин;

ўзининг «ВИЗА Интернешнл» дебит ва кредит карточкаларини муомалага чиқаришни ҳамда уларга ҳам Ўзбекистон Республикаси ичида, ҳам чет элда хизмат кўрсатишни тезлаштирсин;

банкларнинг нақд чет эл валютасидаги касса операцияларини ўз корреспондентлик счётлари тизими орқали марказлаштирилган тарзда хизмат кўрсатишга қабул қилсин.

6. Фуқароларнинг товарлар келтиришни ва ички бозорни тўлдиришни таъминлайдиган хусусий-тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама рағбатлантирилсин, майда улгуржи, шу жумладан, оилавий асосдаги савдо тузилмаларини ташкил этиш бутун чоралар билан қўллаб-қувватлансин.

Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва акционерлик-тижорат банклари тегишли гаров ёки кафолат шарти билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига миллий ва чет эл валютасида кредит беришни амалга оширсинлар. Давлат муассасалари кўрсатилган тузилмаларни рўйхатга олишда ва банкларда уларнинг счётларини очишда мавжуд бўлган тўсиқлар ва сансалорликларни бартараф этсинлар. Адлия вазирлиги кўрсатилган масалалар бўйича низомни тасдиқласин.

Нақд чет эл валютаси ва МДҲ мамлакатлари пул белгиларини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва хорижий фуқаролар томонидан республикага келтириш ва четга чиқариш бўйича чеклашлар бекор қилинсин, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно.

7. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, устав фондида хорижий сармоя улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган қўшма корхоналар хорижий валютадаги тушумдан солиқ тўлашдан ва уларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига рўйхатга олинган пайтдан бошлаб 5 йил муддатга мажбурий сотишдан озод қилинсинлар.

8. Молия вазирлиги ҳузурида «Ўздавхазина»нинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги активларининг бир қисмини берган ҳолда, мамлакат ва хорижий инвестициялар суғуртаси бўйича «Ўзбекинвест» давлат компанияси ташкил этилсин.

Молия вазирлиги бир ой муддатда дастлабки устав сармоясини шакллантириш манбалари тўғрисидаги масалани ҳал этсин. Компания тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин. Бунда хорижий инвестициялар учун энг қулай тартиб яратилиши назарда тутилсин.

9. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш жараёни соддалаштирилсин. Ушбу ҳуқуқлар 1-иловадаги давлат бошқарув органларига берилсин.

Бунда Ҳукуматнинг 1-иловага кирмаган айрим вазирликлар ва идоралар томонидан махсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш ҳуқуқи тўғрисидаги илгари қабул қилинган ҳужжатлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда шуғулланиш махсус рухсатнома (лицензия)ни талаб этувчи фаолият турларини қисқартириш бўйича ҳамда мазкур Фармондан келиб чиқувчи қонун ҳужжатларини ўзгартириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига таклифлар киритсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, умумий саноат учун мўлжалланган маҳсулотларни ва халқ истеъмол молларини давлат томонидан харид қилиш ҳажмлари тасдиқланмайди, тақсимланмайди ҳамда етказиб берувчиларга ва истеъмолчиларга маълум қилинмайди.

Вазирлар Маҳкамаси давлат эҳтиёжлари учун озиқ-овқат товарларини аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини таъминлаш, давлатлараро битимларни бажариш ва экспорт мақсадлари учун ёқилғи-энергетика ва хом ашё ресурсларини етказиб бериш ҳажмларини аниқласин ва тасдиқласин.

11. Корхоналар ва хўжаликлар ихтиёрида қоладиган товарлар ва маҳсулотларни сўм-купонларга сотиш бўйича товар хом ашё биржалари иштирокида улгуржи ярмаркаларни ташкил этиш ва ўтказиш амалиётга жорий этилсин.

Шу тарзда сотиб олинган товарларни республика ташқарисига чиқариш учун, таслиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, лицензия талаб қилинмайди ва бож пошлинаси олинмайди.

12. Вазирлар Маҳкамаси Комплексларининг раҳбарлари икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига қуйидагилар тўғрисида таклифлар киритсинлар:

корхоналарнинг хўжалик фаолиятини бошқариш органи сифатида бозор муносабатларини ривожлантириш шарт-шароитларига жавоб бермаётган давлат концернларини тугатиш тўғрисида;

концернларни 2-иловага мувофиқ ишлаб чиқарувчилар уюшмаларига айлантириш, ушбу уюшмалар тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, бунда уларнинг директив функцияларга эга эмаслиги, уларнинг асосий вазифаси бозор конъюктураси ва маҳсулотлар маркетингидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегиясини белгилашдан иборат эканлигини назарда тутиш.

Давлат — акционерлик уюшмалари ва корпорациялари ўз уставларини «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги Қонунга ва юқорида кўрсатилган талабларга мувофиқлаштирсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хўжалик бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш ҳуқуқи берилсин.

13. Ҳокимликлар ва юқори бошқарув органлари томонидан, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг молиявий ва хўжалик фаолиятига ҳар қандай аралашишга йўл қўйилмайди деб ҳисоблансин.

Ҳокимликлар томонидан туманлар ва шаҳарлар ҳудудидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига ҳар хил бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этилиши қатъиян тақиқлансин.

14. Ўзбекистон Республикасига келтириладиган товарларнинг барча турлари импортига бож пошлиналари 1995 йил 1 июлга қадар бекор қилинсин.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда республика ҳудудига келтириш тақиқланган товарлар (қимматли буюмлар) рўйхатини аниқласинлар ва уни республика божхона бўлинмаларига етказсинлар.

15. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан бериладиган лицензиялар бўйича белгиланган квоталар ҳажмида экспорт қилинадиган товарлар рўйхати 3-иловага мувофиқ;

товарларни экспорт қилиш учун бож пошлиналарининг вақтинчалик ставкалари 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан бериладиган лицензиялар бўйича экспорт ва импорт қилинадиган махсус товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати 5-иловага мувофиқ;

экспорт қилиш тақиқланадиган товарлар рўйхати 6-иловага мувофиқ.

Бунда ушбу банднинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига, шу жумладан, МДҲ мамлакатларига олиб чиқиб кетиладиган товарларга жорий этилиши белгилаб қўйилсин.

3, 4, 5-иловаларга киритилмаган бошқа барча товарларга кўрсатиб ўтилган чеклашлар тегишли равишда тадбиқ этилмайди.

16. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартиби соддалаштирилсин. Чет элга борувчининг аризаси ва тегишли ҳужжатлар келиш визаси чет элга бориш учун асос бўлади деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан ташқарига жўнаб кетиш ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнларини компьютерлаштириш бўйича бир ой муддатда таклифлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси чет элга боришлари махсус келишишни талаб этувчи мансабдор шахслар рўйхатини ўн кун муддатда белгиласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур Фармонни бажариш бўйича тегишли қарорлар қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил, 21 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИГА 1-ИЛОВА

ФАОЛИЯТНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ МАХСУС РУХСАТНОМА (ЛИЦЕНЗИЯ)-ЛАРНИ БЕРИШ ВАКОЛАТИГА ЭГА БЎЛГАН ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамаси
2. Адлия вазирлиги
3. Молия вазирлиги
4. Марказий банк
5. Ички ишлар вазирлиги
6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги
7. Халқ таълими вазирлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИГА 2-ИЛОВА

ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ДАВЛАТ КОНЦЕРНЛАРИ НЕГИЗИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЮШМАЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

1. Кимё саноати корхоналари уюшмаси — кимё саноати концерни негизида
2. Радиоэлектроника ва электр техникаси саноати корхоналари уюшмаси — радиоэлектроника ва электр техникаси саноати концерни негизида
3. Металлургия саноати корхоналари уюшмаси — металлургия саноати концерни негизида
4. Машинасозлик корхоналари уюшмаси —машинасозлик концерни, «Қишлоқхўжаликмаш» концернининг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари ва тўқимачилик саноати учун машинасозлик концерни негизида
5. Автомобилсозлик корхоналари уюшмаси — «Қишлоқхўжаликмаш» концернининг автомобилсозлик корхоналари негизида
6. Рангли металлар қазиб олиш корхоналари уюшмаси — Ўзбекистон Республикаси Давлат қимматбаҳо металлар қўмитаси негизида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИГА 3-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН БЕРИЛАДИГАН ЛИЦЕНЗИЯЛАР БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН КВОТАЛАР ҲАЖМИДА ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИГАН (ШУ ЖУМЛАДАН, МДҲ МАМЛАКАТЛАРИГА ЧИҚАРИЛАДИГАН) ТОВАРЛАР РЎЙХАТИ

1. Нефть хом ашёси, нефть маҳсулотлари, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда нефтни қайта ишлаш ва нефть-кимё корхоналари чиқиндилари, шу жумладан, компонентлари.
2. Табиий газ, газ конденсати ва қаттиқ парафин.
3. Электр энергияси
4. Сара кўмир
5. Рангли металлар рудалари, рангли металлар концентратлари ва саноат маҳсулотлари
6. Қора металлар прокати, қора металлар парчалари ва чиқиндилари
7. Рангли металлар прокати, рангли металлар парчалари ва чиқиндилари
8. Пўлат қувурлар
9. Иккиламчи алюминий
10 Мис (шу жумладан, катанка ва троллейбус сими)
11. Металл руҳ
12. Рангли металлардан тайёрланган кабель-ўтказгич маҳсулотлар
13. Минерал ўғитлар ва синтетик аммиак
14. Пахта толаси, пахта чиқиндилари
15. Тери хом ашёси
16. Пилла, ипак хом ашёси
17. Ўсимлик мойи
18. Дори-дармонлар
19. Чигит
20. Каноп толаси
21. Карбоксилметилцеллюлоза
22. Ферментланган тамаки
23. Омихта ем
24. Винобоп материаллар
25. Кирсовун
26. Шиша идишлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИГА 4-ИЛОВА

ТОВАРЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ (ШУ ЖУМЛАДАН, МДҲ МАМЛАКАТЛАРИГА ЧИҚАРИШ) УЧУН БОЖ ПОШЛИНАЛАРИНИНГ

ВАҚТИНЧАЛИК СТАВКАЛАРИ

Товарнинг қисқача номи	Контракт қийматидан % ҳисобида олинадиган бож пошлиналари ставкалари
1. Пишлоқ ва ёғли бринза	50%
2. Товар озиқбоп балиқ маҳсулоти, шу жумладан, балиқ консервалари	50%
3. Омихта ем	50%
4. Экиш ва қайта ишлаш учун уруғлар, мевалар ва споралар	20%
5. Мойли ўсимликлар кунжараси	30%
6. Пахта линти	10%
7. Ёғлар, ўсимлик мойи, уларни эритишдан олинган маҳсулотлар, тайёрланган озиқ-овқат ёғлари	50%
8. Макарон маҳсулотлари	50%
9. Винобоп материаллар	10%
10. Ишлов берилмаган тамаки	10%
11. Идишга солинган ош тузи	50%
12. Арраланган мармар	10%
13. Арраланган гранит	10%
14. Гипс, ангидрид, алебастр	10%
15. Полиуретанлар	10%
16. Нефть смоласи	10%
17. Карбоксиметилцеллюлоза ва	

(Давоми иккинчи бетда).

СЕМИНАР—КЕНГАШ БЎЛИБ ЎТДИ

21 январь куни Тошкентда «Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши тўғрисида» мавзусида республика семинар-кенгаши ўтказилди.

Унда вилоятлар деҳқончилик-саноат уюшмаларининг раҳбарлари, илмий тадқиқот институтларининг, ўқув юртларининг, хўжаликларнинг олим ва мутахассислари иштирок этди.

Семинар иштирокчилари республика деҳқончилик—саноат мажмуининг ўтган йилги иш якунларини муҳокама қилдилар, камчиликларнинг сабабларини таҳлил этдилар, республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни тезлаштиришга доир таклифларни ўртага ташладилар. Ҳозирги вақтда аввало зарар келтираётган хўжаликларни хусусийлаштириш, мулкка эгалик шаклини ўзгартириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш жуда муҳим вазифа эканлиги таъкидланди. Бозор иқтисоднёти шароитида мутахассислар тўғри йўлни танлай олишлари, ислоҳотларни амалга ошириш ишида собитқадамлик ва билимдонлик билан иштирок эта олишлари учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма бўғинларидаги ходимларининг малакасини оширишга алоҳида эътибор бериш лозим. Мустақил Ўзбекистоннинг умумий иқтисодий аҳволи республика қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ишидаги муваффақиятга боғлиқ, деб таъкидлашди нотиқлар.

Семинар—кенгашда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков нутқ сўзлади.

(ЎзА).

ИСЛОҲОТНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ И. ЖЎРАБЕКОВНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН

НУТҚИ

Республика деҳқончилик-саноат мажмуида Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларига мувофиқ мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш, меҳнат жамоаларига бозор шароитида муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун имкон яратиш борасидаги ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кўпчилиги 1993 йилда хўжалик юритиш бошқа шаклларига ўтказилди. 734 та давлат хўжалиги негизида 322 та жамоа хўжалиги, 313 та ширкат, 99 та ижара ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил этилди. Давлат хўжаликларини давлат тасарруфидан чиқариш ҳисобига бошқарув ходимларининг сони 7 минг кишига камайди, ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича 170 миллион сўм тежалмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси қарорида мўлжалланганидан 155 та кўп, яъни 764 та ферма чорвачилик ходимларига мулк қилиб берилди. Ҳозирги пайтда 702 та хусусий ферма банкларда мустақил ҳисоб-китоб счётига эгадир, қолганлари хўжаликлар билан ўз муносабатини шартнома асосида қурмоқда.

Текшириш янгидан тузилган хўжаликларда раҳбарликнинг маъмурий усули иқтисодий усуллар билан алмаштирилаётганини кўрсатди. Ишлаб чиқариш бўлинмаларининг қўпчилиги ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш тамойилида ишламоқда. Меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантиришнинг барча тизими ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига, далаларнинг ҳосилдорлиги ва фермаларнинг маҳсулдорлигига боғлиқ қилиб қўйилган.

Йил якунларига кўра қишлоқ хўжалигида 14256 та деҳқон (фермер) хўжалиги фаолият кўрсатди. Улардан 7463 тасининг банкларда ўз ҳисоб-китоб счёти бор. Деҳқон (фермер) хўжаликлари ўтган йили 24 минг тонна дон, 11 минг тонна сабзавот, 8 минг тонна полиз маҳсулотлари, 95 минг тонна озуқа экинлари, 5,7 минг тонна гўшт ва 32,6 минг тонна сут етиштирди.

Жойларда деҳқон (фермер) хўжаликларининг моддий-техника асосини мустаҳкамлаш бўйича ёрдам кўрсатилмоқда, уларга суғориладиган экин майдони, емхашак, чорва моллари, моддий ресурслар ажратилмоқда.

Иқтисодий ислоҳот самара бера бошлади. Ўтган йили об-ҳаво ниҳоятда ноқулай келди, шунга қарамай, кўпчилик хўжаликлар пахтадан яхши ҳосил олди. Улар режадан ортиқча етиштирилган 270 минг тонна толани ўз ихтиёри билан сотиши мумкин. Дон, картошка маҳсулоти 1992 йилдагидан кўп тайёрланди, чорвачиликдаги инқироз амалда бартараф этилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилаш, жамоа ва давлат хўжаликлари, тайёрлов ташкилотларни кредит билан таъминлаш, етиштирилган маҳсулотларни сотишда ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш масалалари ҳукуматнинг доимий назорати остида турибди.

Ислоҳотни чуқурлаштирмасдан, бозор муносабатларини ривожлантирмасдан қишлоқ хўжалигини самарали юритиб бўлмаслиги бугунги кунда ҳаммага аён бўлиб қолди. Бироқ бу ишларнинг натижасини қониқарли деб бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Қаюмов) «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни (Мирзаев) ва уларнинг жойлардаги идоралари хўжаликларининг мустақиллигини рўкач қилиб, ер-сув ресурсларидан фойдаланиш, янги технологияни жорий этиш ва қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш агротехникасига риоя қилиш устидан талабчанликни сусайтириб юборганлиги оқибатида мана шундай ҳол юз берди. Шунингдек, улар уруғчилик, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари навларини жойлаштириш масалаларидан ўзларини четга олмоқдалар. Натижада далаларнинг ҳосилдорлиги ўсмаяпти, давлат эса катта миқдордаги маҳсулотни ололмаяпти. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, туманлар ва вилоятлар ҳокимликлари бу масалаларга эътибор бермаяпти.

Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ўтган йили ҳар гектардан атиги 25—35 центнер маккажўхори дони олинганини, Бухоро, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида картошка ҳосилдорлиги гектаридан 46—70 центнердан ортиқ бўлмаганини; Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий ва Сирдарё вилоятларида ҳар гектардан олинган сабзавот 140 центнердан ошмаганини изоҳлаш қийин.

Мана шу сабабларга кўра Тошкент вилояти истеъмолчиларга 40 минг тонна, Андижон вилояти 20 минг тонна сабзавот, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари эса давлат ресурсларига катта миқдорда донни кам етказиб берди.

Маъмуриятчилик, расмиятчилик ва ишни яхши билмаслик ислоҳотнинг самарали ўтказилишига тўсиқ бўлмоқда. Ана шу боисдан бу муҳим иқтисодий-иқтисодий тадбирлар йўққа чиқмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

(Давоми. Боши биринчи бетда).

унинг тузлари	15%
18. Целлюлоза ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	25%
19. Полимерлардан тайёрланган қувурлар, қувурчалар ва шланглар	30%
20. Полимерлардан тайёрланган плёнкалар	30%
21. Ёғлаш мойлари	20%
22. Нефтдан олинган вазелин	20%
23. Нефтдан олинган кокс	20%
24. Битумлар	20%
25. Олтингугурт кислотаси	10%
26. Сувсиз аммиак	10%
27. Сунъий корунд	10%
28. Мис сульфати	10%
29. Қўрғошин сульфати	10%
30. Капролактам, лактамлар	15%
31. Момиқ пахта, дока, бинтлар ва шунга ўхшаш материаллар	10%
32. Лаклар ва бўёқлар	20%
33. Синтетик ювувчи воситалар	20%
34. Тери хом ашёси, шу жумладан, ностандартлари ҳам, чарм	50%
35. Мўйна ва мўйна маҳсулотлари	20%
36. Гугурт	50%
37. Дурадгорлик буюмлари	50%
38. Полимер идишлар	50%
39. Консервалашга мўлжалланган шиша идиш	50%
40. Шиша бутилкалар	50%
41. Қоғоз	50%
42. Картон	50%
43. Қоғоз чиқиндилари	50%
44. Ўқувчилар дафтари	50%
45. Пилла	5%
46. Ипак хом ашёси	5%
47. Ипак чиқиндилари	5%
48. Ипак ип	10%
49. Ипак чиқиндиларидан тайёрланган ип	10%
50. Жун	20%
51. Жун чиқиндилари	10%
52. Жун ип	20%
53. Пахта толаси	5%
54. Пахта чиқиндилари (ўлик пахта)	5%
55. Синтетик, сунъий ипдан тайёрланган чилвир	10%
56. Вискоза толаси (сунъий тола)	5%
57. Синтетик, сунъий толадан эшилган ип	10%
58. Қўлда тўқилган гиламлар	40%
59. Марварид, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар, қимматбаҳо металлар ва улардан тайёрланган буюмлар	50%
60. Арзонбаҳо металлардан тайёрланиб қимматбаҳо металлар билан қопланган буюмлар	40%
61. Кабель маҳсулоти	20%
62. Рангли металлар, қотишмалар, прокат ва буюмлар	10%
63. Алюминийдан қолиплаб, қуйиб тайёрланган идиш	50%
64. Рангли металлар чиқиндилари ва парчалари	40%
65. Санъат асарлари, коллекцияланадиган буюмлар	100%

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИГА 5-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН БЕРИЛАДИГАН ЛИЦЕНЗИЯЛАР БЎЙИЧА ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ ҚИЛИНАДИГАН (ШУ ЖУМЛАДАН, МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДАН КЕЛТИРИЛАДИГАН ВА УЛАРГА ЧИҚАРИЛАДИГАН) МАХСУС ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)

Р Ў Й Х А Т И

1. Дори-дармонлар, заҳарлар, гиёҳвандлик ва психотроп воситалари

2. Дори-дармонлар ишлаб чиқариш учун хом ашё ҳамда ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлардан тайёрланган Тибет тиббиёти маҳсулотлари

3. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет мамлакатлардаги ўз касби бўйича фаолияти

4. Кино, видео ва аудио маҳсулотларини импорт қилиш.

5. Илмий-тадқиқот ишлари натижалари, ноу-хау, ихтироларни экспорт қилиш

6. Чет мамлакатлардаги инвестициялар

7. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари

8. Қурол-яроғлар, ҳарбий техника, уларни ишлаб чиқариш учун махсус бутловчи қисмлар

9. Қимматбаҳо металлар, қотишмалар, улардан тайёрланган буюмлар, қимматбаҳо металлар рудалари, концентратлари, парчалари ва чиқиндилари, қимматбаҳо табиий тошлар ва улардан тайёрланган буюмлар

10. Уран ва бошқа радиоактив моддалар, улардан тайёрланган буюмлар

11. Радиоактив моддалардан фойдаланган ҳолда тайёрланган приборлар ва асбоб-ускуналар

12. Радиоактив ва портловчи моддаларнинг чиқиндилари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИГА 6-ИЛОВА

ЭКСПОРТ ҚИЛИШ (ШУ ЖУМЛАДАН, МДҲ МАМЛАКАТЛАРИГА ЧИҚАРИШ) ТАҚИҚЛАНГАН БУЮМЛАР ВА МАҲСУЛОТЛАР

Р Ў Й Х А Т И

1. Давлат ресурсларидаги ун ва ёрмалар
2. Чорва моллари, парранда (декоративларидан ташқари)
3. Гўшт, шу жумладан, унинг қўшимча маҳсулотлари
4. Мол ёғи
5. Ёғи олинган қуруқ сут
6. Чой хом ашёси, чой
7. Қанд-шакар
8. Этил спирти
9. Катта бадиий, тарихий, илмий ёки бошқа маданий қимматга эга бўлган қадимий буюмлар (картиналар скульптуралар ва бошқалар)

ИСЛОҲОТНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Иқтисодий қайта ўзгаришлар хўжаликларнинг фақат номини алмаштиришдан иборат бўлиб қолаётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хўжалик ички ишлаб чиқариш муносабатлари, мутахассисларнинг роли ва ўрни ўзгаришсиз қолмоқда. Деҳқонлар ва механизаторлар ўзларини ишлаб чиқариш воситалари ва етиштирилган маҳсулотнинг эгаси деб ҳис қилмаяптилар, уларнинг ишлаб чиқариш фаоллиги ҳамон суст. Натижада ишлаб чиқаришни кучайтириш имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти, бозор муносабатлари секин ривожланмоқда.

Чорвачиликдаги аҳвол бу хулосаларни тасдиқлаб турибди. Тошкент вилоятида (Икромов) чорвачилик фермаларини меҳнат жамоаларига мулк қилиб бериш бўйича топшириқ ортиғи билан бажарилди. Бироқ, гўшт етиштириш ўтган йилдагига нисбатан 26 фоиз, сут етиштириш 6 фоиз камайиб кетди.

Самарқанд вилоятида (меҳнат жамоаларига топшириқдаги 107 ферма ўрнига 134 ферма мулк қилиб берилган) гўшт етиштириш 9 фоиз камайган.

Андижон, Бухоро, Сирдарё, Хоразм вилоятларида ҳам чорвачилик маҳсулотларининг камайишига йўл қўйилган. Наманган, Сурхондарё, Хоразм вилоятларидан ташқари барча вилоятларда гўшт етиштириш камайиб кетди. 7 вилоятда сут етиштириш камайган.

Бу мисоллар ҳокимликлар ва қишлоқ хўжалиги идораларининг ташкилотчилик ишлари қайси аҳволда эканини, бир қанча ходимларнинг ўз ишига бепарволигини кўрсатиб турибди.

Кўпчиликни ислоҳотни ўтказишда давлат томонидан катта ёрдам кўрсатилаётганига қарамай, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий аҳволи мураккаблигича қолаётгани ташвишга соляпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги 386-сон қарорига биноан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида 346 давлат хўжалигининг 12,7 миллиард сўмлик қарзни тўлаши узоқ муддатга кечиктирилган, 1992 йилда 300 давлат хўжалигининг 1,1 миллиард сўмлик қарзи кечиб юборилган эди.

Шунга қарамай, 588 хўжалик 1993 йилни 6,6 миллиард сўм зарар билан якунлаши кутилмоқда.

Энг кўп зарар кўрган хўжаликлар Бухоро вилоятида — 50, Жиззахда — 69, Наманганда — 55, Самарқандда — 17, Сирдарёда — 68 тани ташкил этади.

Бундай аҳвол об-ҳавонинг ноқулай келиши билан боғлиқ, дейиш мумкин. Лекин бунинг асосий сабаби ислоҳотни ўтказишда йўл қўйилган қўпол хатолар, янги шароитда ишлаб чиқаришни қониқарсиз ташкил этилганидадир.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий аҳволи ёмонлашувига сабаб шундаки, катта миқдордаги маблағлар қарзга тўланяпти. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг дебиторлик қарзлари 89 миллиард сўмни, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концернининг қарзлари 15,6 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Тўлов интизоми кескин пасайиб кетган, Республика вазирликлари ва идораларининг қишлоқ хўжалигидан ва қайта ишлаш саноати корхоналаридан олинган маҳсулот учун қарзи 450 миллиард сўмдан ортиб кетди. Бу нарса деҳқончилик-саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда катта тўсиқ бўлиб турибди.

Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни ва уларнинг жойлардаги идоралари қишлоқ хўжалигини бошқариш услубларини жуда секин ўзгартирмоқдалар. Улар ишида сансоларлик, расмиятчилик барҳам топмаган, марказий аппарат ва маҳаллий идораларнинг вазифалари ўзгармаган ва эскича услубда ишламоқдалар. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш, молия-кредит алоқалари масалалари диққат-эътибордан четда қолмоқда.

Ўтказилаётган ислоҳотнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

а) Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни расмиятчиликдан кескин воз кечишлари ички ишлаб чиқариш муносабатларини ва туман, вилоят ва республика бўйича қишлоқ хўжалигини бошқариш идоралари тизимларини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштиришлари керак. Хўжаликларда ортиқча бўғинлар олиб ташланиши, бошқарув аппарати қисқартирилиши зарур;

б) Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни билан биргаликда хўжалик ва корхоналарнинг зарар кўриб ишлаётгани сабабларини таҳлил қилишлари, 1994 йил 1 мартгача улар иқтисодиётини яхшилаш юзасидан таклифлар киритишлари керак. Бунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг айрим турлари харид нархларини қайта кўриб чиқиш, хўжаликларни тугатиш, ишловчилар сонини қисқартириш, мураккаб ер—иқлим шароитида ишлаётган қишлоқ хўжалик корхоналари учун имтиёзлар белгилаш назарда тутилади;

в) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 1994 йилда иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш дастурини ишлаб чиқишлари ва тасдиқлаб олишлари керак. Бунда давлат хўжаликларининг қолган қисмини, юқори рентабелли давлат хўжаликларидан ташқари, хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига айлантириш, фермер хўжаликларига ер ажратиш ҳамда янги иш жойларини ташкил этиш назарда тутилиши керак.

• *Бишкек учрашувининг акс садолари*

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Ғарбидан-Шарқигача бўлган масофа 150 километрга чўзилишини эсласак, туманнинг Қирғизистон ҳудудидаги мавқеи кўз олдимизда янада пурвиқорроқ намоён бўлади. Шу ўринда яна бир кичик, «сирли» айтиб ўтмоқчиман: Фарғона вилоятининг энг сўлим, дилтортар гўшалари Шоҳимардон ҳамда Сўх воҳалари айнан шу туман ҳудудида жойлашган.

ҚАДАМЖОЙ ТУМАНИ НАФАҚАТ УШ ВИЛОЯТИНИНГ БАЛКИ ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭНГ ЙИРИК, ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН БАҚУВВАТ РАЙОНЛАРИДАН БИРИ. ТУМАННИНГ ШИМОЛИЙ САРҲАДЛАРИ ФАРҒОНА ВОДИЙСИ КЕНГЛИКЛАРИГА ТУТАШИБ КЕТСА, ЖАНУБИЙ ЧЕГАРАЛАРИ АЗИМ ОЛОЙ ТОҒЛАРИНИНГ ОСМОНЎПАР ЧЎҚҚИЛАРИГА БОРИБ ТАҚАЛАДИ.

Фақат шугина эмас, бу ўзига хос ҳудудда 30 дан ортиқ миллат ва элатларнинг фарзандлари яшаб истиқомат қилмоқда. Тумандаги аҳолининг асосий қисмини қирғизлар, тўртдан бирини эса ўзбегу тожиклар ташкил этади. Туман ҳокими Баротали Қўшматов ўзбекча-ю тожикчани сув қилиб ичади, аския, пайровларни қийиб юборади. Ахир у ўзбеклар орасида камол топган. Олий маълумотни эса Душанбе Давлат дорилфунунида олган. Кўпчилик уни «Зуллисонайн» бўлганлиги учун ҳам ҳурмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Бишкекка ташриф буюриб, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев билан учрашувлар ўтказаётган кунларда Қадамжой туман ҳокимиятида қўшни Фарғона тумани раҳбарлари билан қадамжойликларнинг ўзаро амалий учрашувларидаги суҳбатда иштирок этдим. Суҳбатлар нақадар самимий, ўзаро ҳурмат, бир-бирини тўғри англаш, тушуниш руҳида ўтди.

Аслини олганда, Қирғизистоннинг Қадамжой, Фарғона вилоятининг Водил шаҳарчаларини бир-биридан ажратиб турадиган сарҳадлар, тўсиқлар йўқ. Туман марказлари ҳисобланувчи бу шаҳарчаларнинг маҳаллалари маҳаллаларга, далалари далаларга, кўчалари кўчаларга туташиб кетган. Ҳар икки шаҳарчани тоғлардан куч ва қудрат олиб водийга интилувчи Шоҳимардонсой тенг иккига бўлиб оқиб ётади. Одатда ўзбегу қирғизларнинг бу тарихий манзилларида одамлар тўй-маъракаларга, турли маросимларга, базму-гаштакларга от-уловларсиз, машиналарсиз пиёда бориб келишга одатланиб қолишган. Фақат сўнгги икки йил давомида бу икки эгиз шаҳарчани бирлаштирувчи йўлда дастлаб йўл назорати, сўнгра эса божхона постлари пайдо бўлганлиги шаҳарчалар бошқа-бошқа давлатларнинг музофоти эканлигини англатиб қўйди.

Энди Қадамжой тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган суҳбатга эътиборингизни қаратамиз.

Шуҳрат АҲМЕДОВ, — Фарғона тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ депутати:

— Куни кеча қўлимга Бишкекда қирғиз тилида нашр этиладиган «Қирғиз тууси» рўзномасининг 14 январдаги сони тушиб қолди. Рўзноманинг биринчи саҳифаси «Дилимиз пахтадай оппоқ, бошимиз доимо бир бўлсин» деган сарлавҳа билан очилади. Ана шу саҳифадаги мақолалардан бири эътиборимни тортди. У ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовга халқлар ўртасида тинчлик ва тотувликни таъминлашдаги юксак хизматлари учун ҳукуматга даҳлдор бўлмаган «Руҳоният» Халқаро уюшмасининг мукофотига сазовор бўлганлигига бағишланган экан. Мақоладаги мана бу сўзлар дилимни тўлқинлантириб юборди: «Ислом—дегани улуғ сўз. Бу сўз замирида тинчлик деган тушунча ётади. Бу сўз яна тўкинчилик, дўстлик, ҳамдўстлик деган маъноларга ҳам эгизакдир».

Менимча бу Президентимизнинг Марказий Осиё халқлари ўртасида тотувликни таъминлаш, яхши қўшничиликни ўрнатиш, миллий ва умумбашарий қадриятларни тиклаш ва тарғиб қилиш, халқларни маънавий жиҳатдан қайта уйғотиш борасида олиб борган катта ишларига берилган муносиб баҳодир.

Туманимиз тақдири қадимқадимдан қирғиз тупроғи, қишлоқлари тақдири билан боғланиб кетган. Районимизда ўтадиган бирорта тадбир йўқки, қардошларимиз иштирок этмаган бўлса. Ўнлаб, юзлаб оилаларда ўзбек келини қайнонасига «эжам» деб салом берса, қўшқийиқ боғлаган қирғиз куёвлари қайноталарига ўзбекона такаллуф билан «отам» деб таъзимда бўладилар. Биргина Қадамжой сурма комбинатида 500 дан ортиқ водиллик ишчи хизмат қилади. Водил, Қувасойдаги корхоналарда эса минглаб қирғизистонликлар халқ бойлигини кўпайтиришга ҳисса қўшмоқда. Уларни бир-биридан ажратиш эт билан тирноқни ажратиб ташлаш билан тенг-ку.

Туман кенгашининг депутатлари, қирғиз миллати вакиллари Имомиддин Турдиев, Алижон Қаҳҳоровлар тиниб-тинчимас халқ ноибларидир. Улар Водилнинг қирғиз қишлоқларида ўз халқларининг миллий маданиятларини, урф-одатларини, қадриятларини тиклашга ҳам бошқош бўлишмоқда. Райондаги иккита катта ўрта мактабда билим бериш фақат қирғиз тилида олиб борилади. 46-ўрта мактабнинг ўқувчилари Қирғизистон Республикаси миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадаларида қаторасига икки йилдан бери биринчи ўринни эгаллаётганликлари бизга ҳам ғурур бахш этмоқда. Ўқувчиларнинг кўпчилиги Қирғизистондаги олий билимгоҳларнинг талабаларидир.

Абдуқаюм АБДУСАТТОРОВ, — Қадамжой тумани кенгаши раиси, Ўш вилояти депутати:

— Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари Президентларининг Бишкекдаги учрашувларини манфаатдорлик ҳисси билан кузатиб турдим. Чунки, туманимизнинг тақдири бевосита Фарғона водийси, қолаверса, Ўзбекистон билан чамбарчас боғлиқдир. Тоғлардан тушган дарёлар Водийга интилгани каби, туманимизнинг барча йўллари, сўқмоқлари бизни Водийга бошлаб боради. Бизнинг бошқа минтақаларга чиқадиган ўзга йўлимиз йўқ. Мен хизмат тақозоси билан вилоятимиз раҳбарларидан кўра водиллик, фарғоналик дўстларим, қардошларим билан кўпроқ мулоқотда бўлиб тураман.

Ўтган йили Каримов Ўшга ташриф буюрганида бизга пахта экишни маслаҳат берган эдилар. Ана шунга амал қилиб, «Бурганди» давлат хўжалигида 50 гектар майдонга чигит экувдик. Ғўзанинг парваришида бизга риштонлик пахтакорлар яқиндан кўмак беришди. Натижа чакки бўлгани йўқ. Ҳар қалай кутилган даражада ҳосил олдик. Туманимиз тарихида тайёрланган дастлабки пахтани карвон қилиб Ўш тўқимачилик комбинатига жўнатдик.

Туман кенгашининг 65 та депутатидан энг фаоллари ҳақида гап кетса, биз мамнуният билан ўзбек миллатига мансуб халқ ноиблари, машҳур деҳқон Раҳмитдин Шерматов, туман фахрийлар Кенгашининг раиси Ҳайитмат Собиров, мактаб директори Лолахон Йўлдошева ҳамда вилоят кенгаши депутати Носиржон Жумабоевларнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Тумандаги еттита ўрта мактабда машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади. 1990 йилнинг машъум Ўш воқеалари даврида бизнинг туманимизда «сан-манга» ҳам борилмади. Ўзбекнинг уйини қирғиз, қирғизнинг томини эса ўзбек қўриқлади.

Сўнгги йилларда бир-бирига туташ йўлларимизда божхона постлари пайдо бўлганлиги ўзаро алоқаларимизда анча қийинчиликлар туғдириб қўйди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, биз туман марказидан Халмиён ва Жарқўтон қишлоқларига бориш учун Водил, Миндон қишлоқларини босиб ўтишимиз керак. Шу қисқа йўлларда ҳам инсон қадр-қимматини камситувчи текшир-текширлар авж олиб кетди. Бир кўчада икки республика жойлашган. Ўзбек қишлоғидан сўнг қирғиз қишлоғи, қирғиз қишлоғидан сўнг эса яна ўзбек қишлоғи бошланади. Ана шу 7—8 километрлик йўлга икки томондан саккизта пост ўрнатилди. Илгари ярим соатда улгуриладиган манзилга энди эрталаб чиқиб, тушда зўрға етиб борадиган бўлиб қолгандик. Хайриятки, Ислом Абдуғаниевичнинг ташаббуси билан Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларида ягона иқтисодий минтақа барпо этиляпти. Биз бу ташаббусни зўр мамнуният билан қўллаб-қувватлаймиз. Ўйлайманки, Бишкекда жуда тўғри таъкидланганидек, «Ислом сўзи қирғиз ва ўзбек дўстлигининг рамзи бўлиб қолади».

Аловуддин САТТОРОВ, — Фарғона туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигининг раиси, вилоят кенгашининг депутати:

— Мен, касбкор тақозоси билан тез-тез Ўш ва Жалолобод вилоятларида бўлиб тураман. Фарғона водийсидаги қон-қариндош, Президентимиз айтганларидек «Бозори ҳам, мозори ҳам бир бўлган» бу халқлар ўртасига ҳар қанча сунъий тўсиқлар солинса ҳам ўзаро дўстлик, бордикелди ришталарини узиб ташлаб бўлмайди.

Бундан уч-тўрт йил аввал Чўнг-Олой яйловига қўй-қўзи олиб чиқиш масаласи муаммо бўлиб қолди. Ҳукуматлараро бир битимга келиш амалга ошавермади. Шунда биз хўжалик раҳбарлари ўзаро келишиб, қўй-қўзиларни яйловларга олиб чиқдик.

Водийда ғалла Қирғизистоннинг тоғолди воҳаларига нисбатан бир ой эрта пишади. Ўтган йили буғдойни ўриб олишда комбайнлар етишмовчилиги сезилиб қолди. Шунда Т. Назаров ва бизнинг хўжаликка Новқат туманидаги хўжаликлардан комбайнлар ёрдамга келди. Ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олдик. Биз эса ўз навбатида новқатлик ва қадамжойлик чорвадорларга ўт-ўланларни йиғиштириб олишда техника ва ёнилғидан ёрдам бердик. Энди Бишкекдаги учрашув ва шартномалардан сўнг ўзаро борди-келдини эмин-эркин амалга ошираверамиз.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи»нинг ўз мухбири.

СУРАТДА: халқ депутатлари Қадамжой тумани кенгаши раиси Абдуқаюм Абдусатторов, Фарғона тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ депутати Шуҳрат Аҳмедов, Фарғона туманидаги Бобур номли жамоа хўжалиги раиси, вилоят кенгаши депутати Аловуддин Сатторов, Қадамжой тумани халқ депутати Женгиш Усмоновлар ўзаро мулоқотда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

• *Қизилқумдан мактублар*

Тупроғи тилло замин

...Республикада олтин ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш чоралари кўрилсин, Мурунтовдаги корхона қувватлари оширилиб, Учқудуқдаги 3-гидрометаллургия заводининг биринчи навбати 1993 йил охиригача қурилиб, фойдаланишга топширилсин.

(Республика ҳукуматининг қаридан).

Ватанимизнинг Қизилқум чўлидаги чаманни эслатувчи Учқудуқ шаҳри атрофларида кўпгина ерости қазилма бойликлари, жумладан олтин мавжудлиги саксоничи йиллар бошидаёқ аниқланган ва гидрометаллургия заводини бунёд этиш лойиҳалаштирилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилган эди.

Аммо собиқ иттифоқнинг собиқ раҳбарлари мамлакатда қайта қуришни амалга ошириш ва янгича фикрлашни жорий этишга шунчалик киришиб кетишдики, бу олис Учқудуқдаги муҳим қурилиш объектига ҳам салбий таъсир этмасдан қолмади. Қимматбаҳо ва мураккаб бинокорлик-инженерлик иншоотлари комплексида ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди ва охироқибатда тўхтаб қолди. Республикамизни мустақиллик йўлидан дадил бошлаб бораётган, узоқни кўзлаб, ҳар бир масалада етти ўлчаб бир кесаётган Президент бошчилигидаги республика ҳукумати янги корхонани қисқа муддатларда фойдаланишга топшириш юзасидан тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқди. Айни пайтда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган зарбдор объектда қизғин меҳнат кўтаринкилиги ҳукм сурмоқда.

Учқудуқ шаҳри ва тумани ҳокимлиги раҳбарлари билан бўлган илк суҳбат пайтидаёқ буни ҳис этдик.

Топшириқ бажарилиши шарт, — дейди туман ва шаҳар ҳокими Анатолий Михайлович Храпов. Йилнинг IV чорагида корхонада дастлабки тегирмонларни ишга туширш мақсадида барча чоралар кўрилаяпти. Буюртмачи вакили, қурилаётган корхона директори Виктор Алексеевич Ромашов иншоот учун зарур бўлган барча қурилиш материаллари, ускуна ва жиҳозлар таъминотининг ўз вақтида амалга оширилиши учун куч-ғайратини аямаяпти. Бу борада Ўзбекистон ҳудудидаги корхоналар ўз мажбуриятларини кўнгилдагидек уддалашмоқда. Аммо Россия Федерацияси ва Украинадан келтирилиши лозим бўлган материал-техника таъминотида талай муаммолар мавжуд. Лекин кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаш, тадбиркорлик туфайли иш маромини бузилмаяпти.

Навоий қурилиш бошқармаси бўлинмаларининг бунёдкорлари ҳам ишбу қурилишнинг фаол иштирокчилари. Биз вилоят марказидан келган бунёдкорлар билан суҳбатлашдик. 4-қурилиш-монтаж бошқармаси прораби Рафқат Иброҳимов, сувоқчи-бўёқчилар Мурод Хушвақтов, Атҳам Элмуродовлар ҳар қандай шароитда ҳам белгиланган топшириқлар бажарилаётганлиги, бунда қатъий меҳнат интизоми ва ҳар бир кишининг масъулияти қўл келаётганлигини гапиришди. Уларнинг сўзини шу бошқарма 5-участкаси мастери Хазрат Худойбердиев давом эттирди.

— Бу ердаги иш барчага етиб ортади, — деди у. — Фақат ишлаш керак. Йигитлар шундай қилишаяпти. Бу корхонанинг республикамиз тараққиёти учун нақадар зарурлигини улар ҳар дамда ҳис этиб туришибди. Шунинг учун ҳам белгиланган топшириқлар ҳар куни ошиғи билан бажарилаётир. Биз асосан заводнинг тикланган бош биносида дурадгорлик ва пардозлаш ишларини адо этяяпмиз.

Эрталабданоқ минглаб бунёдкорлар ўзларига топширилган вазифани тез ва соз ўринлатиш мақсадида катта масъулият билан ишлаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Биз кеча телефон орқали келишиб қўйганимиздек, ишни Навоий қурилиш бошқармасининг Учқудуқ қурилиш-монтаж трести бошқарувчиси Вячеслав Ипполитович Ласка билан учрашувдан бошладик. 40 ёшлар атрофидаги бу барваста суҳбатдошимизнинг сўзларидан ўз вазифасини, қурилаётган объектни «сув қилиб ичиб юборгани» сезилиб турарди. Олий ўқув юртини тугаллагач 1976 йилда ўз меҳнат фаолиятини Навоий шаҳрида мастерликдан бошлаган йигит 1980 йилдан буён Учқудуқда ишлаётган экан. Прораб, участка бошлиғи сифатида шаҳарда бир қанча кўп қаватли турар жой биноларининг қад ростлашида катта хизмати сингган. Завод қурилиши муносабати билан янги трест ташкил этилгач, унга бошлиқ этиб тайинланган.

— Дастлаб ишга киришганимизда бу ерлар яйдоқ чўл эди, — дея сўз бошлади Вячеслав Ипполитович, корхонанинг катта-кичик бинолари бўй чўзган улкан қурилиш майдонига ишора қилиб. — Дастлабки қурилиш ишлари 1982 йилда бошланганди. Лекин бир-икки йил ўтгач тўхтаб қолди. Бу орада шаҳарда уй-жой биноларини тикладик. Завод қурилиши ва фойдаланишга топшириш муддатларини қисқартириш тўғрисидаги қарори эълон қилиниши билан ишлар жонлангандан жонланиб, авж олиб кетди. Мана шу бош объектда 1991 йилги баҳоларда 36 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришимиз шарт. Бу борадаги топшириқларни ўринлатиб келаяпмиз. Иншоотдаги бу муҳим тадбирларни амалга оширишда Навоийдаги «Югроммонтаж» трести, «Ўзспецмонтажстрой»нинг махсус 93-трести жамоалари ҳам фаол иштирок этишаяпти. Албатта, муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишда буюртмачи, шаҳар, вилоят раҳбарияти ва республика вазирликларининг ёрдами катта бўлаяпти.

Трестдаги энг яхши жамоалар тўғрисида ҳам гапирсангиз, — сўрадик бошлиқдан.

— Бирор кишини ҳам ёмон ишлаяпти, деёлмайман. Шундай бўлсада, Сергей Тарасов, Иван Тожиев ҳамда Жалил Болтабоевлар бошлиқ бетончилар, монтажчилар ва ғишт терувчилар бригадаларини алоҳида таъкидлашни истардим. Улар асосий мақсадимиз — заводнинг биринчи навбатини шу йил охиригача фойдаланишга топшириш учун ғайрат кўрсатишаяпти.

Иншоотни тиклашда Учқудуқ ва Зарафшонлик бунёдкорлардан ташқари Навоий қурилиш бошқармасининг қарийб 600 кишилик вакиллари ҳам чинакамига меҳнат қилишаяпти. Бошқарма бошлиғи Геннадий Борисович Саватюгин ҳар бир иш ҳафтасининг ярмидан кўпроғини шу ерда ўтказади. У барча ишларнинг тўғри йўналтирилишида, ўз муддатида бажарилишида бош-қош.

Ҳадемай корхона участкаларини бирин-кетин фойдаланишга топшириш дамлари бошланади. Бу ерда ишчилар учун энг аввало ижтимоий-маиший шароитларни яратишга алоҳида аҳамият берилаётганлиги эътиборга сазовордир. Эртаиндин завод ошхонаси ишга тушади. Ундан кейинги навбат маъмурий-маиший бинога! Бу давр ичида бош бинонинг ишга тушиш муддати ҳам жуда яқинлашиб қолади.

Янги заводнинг бош корпусига яқинлашамиз. Уни тиклаш асосан ниҳоясига етказилганлиги кўзга ташланади. Зарафшондаги 39-қурилиш монтаж бошқармаси тегирмон иншоотларини монтаж қилишни жадал амалга ошираяпти. Навоий қурилиш бошқармасига қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бош муҳандисининг ўринбосари Абдуқаюм Ҳақназаров бошлиқ бунёдкорлар бош бино ичида технологик ускуналарни ўрнатиш билан боғлиқ кўплаб қурилиш ишларини амалга оширмоқда. Бошқарманинг участка бошлиғи Обиджон Остонов, дурудгор-бетончилардан Тўлқин Саломов, Зайниддин Йўлдошев, Ғайбулла Қаршиев сингари кўплаб ишчилари билан ҳамсуҳбат бўлдик. Уларнинг барчаси бажараётган ишларидан мамнун. Зарбдор объектда меҳнат қилиш масъулияти бу ёш бунёдкорларни бирор зум ҳам тарк этмаётганлиги сезилади.

Ҳа, Учқудуқда қад ростлаётган йирик корхонада ишлар соат сайин, кун сайин авж олмоқда. Бундай зарбдор суръатлар ва турли миллат вакилларидан иборат бунёдкорларнинг аҳиллик ва фидойилигидан ҳатто олис ўтмишда не-не воқеаларнинг шоҳиди бўлган қадимий саҳро ҳам ҳайратга тушгудек...

Олим ХУЖАЕВ, вилоят «Дўстлик байроғи» газетаси ижтимоий-иқтисодий бўлим муҳаррири.

ВАТАН БИР, АҲДУ ПАЙМОН БИР

Хуршид ДАВРОН

«Бу Ватан ҳаммамизникидир».
Ислом КАРИМОВ.

Ҳар бир инсон ўз Ватанини севиши табиий. Уни унутган, юрагида юрт севгиси бўлмаган одам учун бу дунёда муқаддас нарса бўлмаса керак.

Ватан муҳаббати ота-онага, ака-укага, опа-сингилга, дўст-биродарга бўлган меҳрдан, она қишлоқ далалари, баҳор келганда лолалар билан тўладиган қир-адирларга, олисларда юксалиб, юрагингни сарбаланд этувчи мовийранг тоғларга, янтоғу саксовулдан бошқа нарса унмайдиган дашту саҳроларга бўлган муҳаббатдан бошланади. Биз узоқ йиллар давомида қандайдир бегона, кўз илғамас Ватанни севиб, ўзимиз яшаб турган Ватанни йўқотиб қўйиш йўлидан бордик. Бу йўл бизни маънавий қашшоқликка олиб келди. Биз узоқ йиллар Ватан муҳаббатини сиёсий тузумга бўлган муҳаббат деб билдик, ҳар бир инсон туғилган юртини ўзгача севиши мумкинлигини тан олишни истамадик. Бугун дилларимизни Истиқлол маърифати билан, она тупроқ меҳри билан бойитадиган, фақат Истиқлол маърифати бизни муҳаббат, Ватанни англаш йўлига олиб чиқиши мумкинлигига ишонадиган давр келди.

Ҳар қандай Ватан ва давлатнинг асоси, энг аввало, маълум ҳудуддаги тупроқдир. Ҳижратда жон бераётган мусофир кўксида неча йиллар давомида авайлаб-асраб юрган дил тўтиёси — бир кафт тупроқни боши остига қўйишни васият қилади. Оддий тупроқми Ватан тупроғи? Қанча қону қанча қора тер, қанча кўзёшу қанча она сути тўкилган бу тупроққа. Кўзимизни осмондан узмай яшаймизу, вужудимиз шу тупроқники... Бу тупроқ — боболару момоларимизнинг муқаддас ҳоки. Умри иморат тиклаш, пахса уриш билан ўтган кекса усталар лой қориш олдидан, албатта, ҳоку туробга айланган аждодларимиз руҳини ёдлаб, муқаддас Қуръондан оятлар ўқийдилар.

Кўҳна ўтмишдан ривоят борким, олис аждодларимиз бўлмиш қадимий турклар — хунларнинг ҳукмдорларидан Туман тангриқут оламдан ўтгач, ҳокимият унинг ёш ўғли — «Ўғузхон» достонида Ўғузхон номи билан аталган Ботир тангриқутга ўтади. Хунларнинг ён қўшнилари бўлмиш дунҳулар ҳукмдори бу хабарни эшитгач, Ботир тангриқутнинг ёшлигидан фойдаланмоқчи ва уруш очиш йўли билан хунларни ўзига тобе этмоқчи бўлиб, турли баҳоналар қидира бошлайди. У дастлаб хунлар учун муқаддас отни ўзига юборишни талаб қилади. Ботир тангриқут қавмдошлари норозиликларига қарамай, бир отни қўшнилардан аяймизми, деб отни бериб юборади. Кўп ўтмай уятни унутган дунҳулар ҳукмдори яна одам жўнатиб, Ботир тангриқутнинг ёш ва гўзал хотинини ўз ҳузурига юборишни талаб қилади. Бу гапдан хунларнинг еттидан етмиш яшаригача ғазабланиб, дунҳуларга қарши уруш бошлашни талаб қилсалар-да, Ботир тангриқут кўпни кўрган ҳукмдордек, босиқлик билан: «Қўшнилардан муқаддас Осмон отини аямадик, энди бир хотинни аяймизми?» дейди. Дунҳулар соҳибжамол маликани олиб юртларига қайтадилар. Унинг ҳуснидан маст бўлиб ҳаддидан ошган дунҳулар ҳукмдори учинчи марта одам юборади. Элчи келиб: «Бизга яқин жойда сизларга қарашли бир ташландиқ, қишин-ёзин гиёҳ ўсмайдиган бир парча ер бор. Ўша ерни бизга берсаларинг-бердинглар, бўлмаса, уруш очиб ҳамма ерингизни босиб оламиз!» деб дағдаға қилади. Бу гапни эшитган Ботир тангриқутнинг яқинлари ўйламай-нетмай: «Биз дунҳуларга муқаддас Осмон тулпорини ҳам, соҳибжамол маликани ҳам тортишмай бердик. Улар сўраб турган ерда бир чимдим ўт унмаса, бир зарра сув томмаса, қуш учса, қаноти, одам ўтса, оёғи куядиган, танландиқ, хароб биёбон бўлса... Ўша ерни берсак-берибмиз-да!» — дея маслаҳат қилдилар. Бу гапни эшитган Ботир тангриқут ғазаби тошиб бундай деган экан:

Ўша сизлар айтган ерда
Гарчи бирор ўт ўсмас,
Гарчи кўкдан ёмғир тушмас,
Сув тошиб, йўлни тўсмас,
Гарчи унда ўсмас Олтой
Тоғларининг арчаси —
Бегона ер эмас, у ер —
Ватанимиз парчаси.
Гарчи ўша бир парча ер
Қизиб ётар нақ тандир,
Бегона ер эмас, у ер —
Бизлар учун Ватандир!

Ботир тангриқутнинг бу гапидан илҳомланган хунлар жангга отланиб, дунҳуларни мағлуб этадилар.



Ватан ва давлатнинг яна бир асоси мазкур тупроқда яшовчи одамлар, яъни фуқаролардир. Инсон, асл фуқаро умрининг ҳар лаҳзаси Ватан деб аталмиш муқаддас тупроққа бўлган муносабати билан белгиланади. Ватан — инсон умрининг мазмуни, фуқаро мақсадининг ғоясидир. Инсон тафаккури йиллару кулфатлар оша ўзининг ибтидоси — Ватанига қараб интилади. Бу интилиш абадий ва муқаддасдир.

Бундан бир неча йиллар аввал ғалати бир воқеа ҳақида ўқиган эдим. Мақолада ёзилишича, асримиз бошларида Лотин Америкасидаги бир мамлакатдан Францияга минг йиллгача ўсадиган бир дарахт нави олиб келиниб, боғ яратилган экан. Йиллар ўтиб, дарахтлар илдиз отиб, шохлари кўкка бўй чўзиб, боғ ўрмонга айланибди. Аммо орадан қирқ йилча муддат ўтгач, бу умри узоқ дарахтлар бир-икки ой ичида ўз-ўзидан қуриб қолишибди. Бу сир маънисига етолмай қолган француслар кўп ўтмай ғалати воқеа сабабини аниқлашгач, донг қотибдилар. Худди ўша пайтда Лотин Америкасидаги ниҳоллар олиб келинган ўлкада ҳам қаттиқ қурғоқчилик бўлган, у ерда ҳам дарахтлар бир бошдан қуриган экан. Оралиқда сарҳадсиз уммон, қирқ йиллик вақт бўлишига қарамай, инсон ақли англаб етолмаган сирли алоқа мавжудлиги туфайли Овруподаги дарахтлар Лотин Америкасидаги «ватандош»лари билан баравар қуриб қолишган экан. Ақлимиз англашга ожиз сирли алоқа, менинг ўйлашимча, Ватан туйғуси билан изоҳланиши мумкин, холос. Дарахт-ку, дарахт, Аллоҳ таоло тилу забон, онгу тафаккур берган инсон учун Ватандан ортиқ меҳригиё борми? Йўқ, албатта!

Ватан она каби ягонадир, ягоналиги билан муқаддас ва мукаррамдир, ягоналиги билан бебаҳо ва беқиёсдир! Ватансизликдан ортиқ ғурбат ва фалокат бўлмаса керак. Бугун айрим сиёсатдонлар томонидан кўтарилаётган икки фуқаролик муаммоси аслида мана шу ватансизлик даъвоси эмасми?

Бугун истиқлолимиз ибтидосида Ўзбекистон тупроғи фарзандлари учун Ватан келажаги деб заҳмат чекмоқдан, шу мақад йўлида жон-фидойилик қилмоқдан ортиқ шараф йўқ. Биз елкамизни эзган машаққатларни кўтармоққа зарур бардошни ҳам, олдимизда кўндаланг бўладиган тўсиқларни енгиб ўтишга керак бўлган маънавий қувватни ҳам Ватан туйғуси, унинг порлоқ келажагига бўлган ишончдан топажакмиз. Бу йўлдаги йўлчи юлдузимиз эса Ўзбекистон халқлари ҳамжиҳатлиги ва тинч-тотувлигидир.

Бугун айрим уруғдавлатчилик васвасасидан қутилолмаган сиёсатчиларининг баъзи бир миллат вакилларига икки фуқаролик ҳуқуқини беришга бўлган уринишлари аслида тинч-тотув ҳаётимизга, миллатлар ҳамжиҳатлигига қарши қаратилган зуғумдан ўзга нарса эмас. Уларнинг мақсади келажакка ишонч билан йўғрилган сиёсат, турли халқлар ва тифоқи асосида шакллана-ётган давлат равнақини кўра олмаслик, миллий тотувликка зид ақидаларни пеш қилиш билан бизни ўрта асрлар жаҳолати сари суришдан иборат. Бу сиёсатчилар рус донишмандларидан бирининг: «Инсоннинг туққан онаси ҳам, унинг ватани ҳам биттадир» деб айтганини наҳот унутган бўлсалар? Бу ноқобил неваралар бошқа бир боболарининг ушбу ҳикматини ҳам унутганларми: «Ягона, ҳа, ёлғиз бир қутлуғ ер — Ватан билан қондошу жондош эканингни теран ҳис қил, аксинча бўлса, инсон деб аталишдан маҳрумсан!»

Инсон энг аввало Ватан манфаатларини дилига жо қилган фуқародир, фуқаролик ҳисси, бу Ватан билан ўзини бир бутун деб билиш, унинг яхши-ёмон кунларида асқотиш демакдир. Хўш, икки давлат фуқароси бўлган шахс қайси Ватан билан ўзини бир бутун деб билади, қайси Ватаннинг яхши-ёмон кунларида ярайди? Икки кема саҳнига баробар оёқ қўймоқни истаган одам охир-оқибатда фитнакор уммон тубига чўкиб ҳалок бўлиши муқаррар бўлганидек, икки фуқаролик инсонни энг қутлуғ туйғудан маҳрум қилади, уни жаҳолат домига тортиб, нес-нобуд этади. Неча минг йиллар илгари буюк Цецерон: «Муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина «Ватан» сўзида мужассамдир. Ватан манфаати тақоза қиларкан, қай бир виждонли фуқаро унга жонини бермоққа иккиланар экан?!»— деб хитоб қилган эди. Икки фуқаролик инсонни мана шу виждондан жудо қилади, уни иккиланган кимсага айлантиради, Ватан муҳаббати деб аталган олий туйғу ва ғурурдан маҳрум жоҳил кимсага айлантиради. Жоҳил эмас, фақат виждонли, маърифатли инсонгина Ватан йўлида қурбон бўлишни ҳақиқий жасорат деб билади.

Буюк бобомиз ҳазрат Мир Алишер Навоий:

«Элга қўшулғон эш топти»,— деб айтганлар. Қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, ҳаммаслак бўлган халқ яшаган юрт равнақ топади ва келажаги порлоқ бўлади. Икки фуқаролик эса мамлакатга бузғунчилик кайфиятларини олиб кириши шак-шубҳасиз. Ўйлаб бақайлик: агар ҳар бир муайян фуқаро тил жиҳатдан маълум бир давлат фуқароси бўладиган бўлса, масалан, уч миллат иттифоқидан иборат Швейцария давлатидан нима қоларди? Бу бахтли диёрда яшовчи французлар Франция, италияликлар Италия, немисзабонлар Германия ёки Австрия фуқаролигини қабул қилсалар, Швейцария фуқароси деган тушунча ҳавойи гап бўлиб қолмасмиди? Қолаверса, таг-туби билан ирқчиликдек тубан ғоя асосида яратилган икки фуқаролик сиёсати ҳозир Овруподаги энг тўқ давлатларидан бири бўлган мамлакат аҳолиси ўртасида бўлинишни юзага келтирмасмиди?

Ватан озод ва иймонли инсонлар уйидир. Қўшфуқаролик эса инсонни иймондан айиради. Иймонсизларнинг эса ватани бўлмайди, тарихи бўлмайди. Ўз тарихидан бехабар одамлар ўзлари яшаган тупроқ қадрига етмайдилар, уни топтайдилар, ғорат қиладилар, ўзларига ёнма-ён халқларга тиғ кўтарадилар. Бундай одамлар ўз нафсларини шу тупроқ неъматлари билан қондирар эканлар, мана шу неъматларнинг ҳар бир ҳужайрасида эрк деб шаҳид бўлган инсонлар қони мавжудлигини билмайдилар, билмаганлари учун тан олмайдилар.

Шу сабабдан, Республика Президенти Ислом Каримов айтганидек: **«Биздандай ёндашувни рад этамиз, албатта. Бунга ягона Ўзбекистон халқини ташкил этувчи барча миллат ва элатлар рози бўлмайдилар. Демократик ҳуқуқий давлатда фуқаролик фақат биргина миллий тамойил асосида белгиланмайди. Агарда фуқаролик миллий тамойил асосида белгиланса, инсонга миллатига қараб турли хил ҳуқуқий мақом берилса, бу охир-оқибатда жамият барқарорлигининг бузилишига олиб келади.**

Икки давлат фуқаролигига мансублик ачинарли ҳолдир. Бу беватанлик билан баробардир.

Мамлакатимизда муайян кишилар ёки айрим миллат ёхуд этник гуруҳларнинг икки давлат фуқароси бўлиши учун на сиёсий, на ҳуқуқий асос бор. Шунинг учун ҳам, «Фуқаролик тўғрисида»ги қонунимизга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахснинг бирон бир чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди. Бу қонда 1930 йилги Гаага конвенциясида мустаҳкамланган икки фуқароликни тан олмаслик халқаро тамойилига ҳам тўла мос келади.

Бу — бизнинг фуқаромиз республика ва унинг идоралари билан муносабатда ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигини рўкач қила олмайди деганидир. Бундан ташқари, ҳеч ким ўзини Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари мавқеидан фарқ қилувчи ўринга ҳам қўя олмайди.

Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, ирқи, миллатидан ва бошқа ҳолатлардан қатъий назар, тенг ҳуқуққа эгадир. Конституциямиз Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва миллий анъаналари ҳурмат қилинишини кафолатлайди».

Рўйи очундаги ҳар бир мустақил давлат халқаро уюшманинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Шу сабабдан ҳам бир давлатнинг иккинчисига зуғум қилиши, фақат ўз манфаатларига хизмат қиладиган сохта қонунларни қабул қилдиришига уринишлари аслида бугун жаҳонда минг бир машаққат билан барқарор этилаётган ҳамжиҳатлик ва тинч-тотувлик сиёсатига мутлақо зиддир.

Ўзбекистон Республикаси ҳам жаҳон давлатлари қаторида ўзининг муносиб ўрнини топди. Ёш давлатимиз инсон ҳақ-ҳуқуқлари билан боғлиқ Париж Хартияси ҳужжатларини қабул қилди, бу эса юртимиз ҳудудида яшовчи ҳар бир миллат ҳуқуқини муҳофаза этишга қаратилган энг адолатли кафолатдир.

Биз Ватан муҳаббатини тор маънода тушунмаймиз. Бутун курраи арз ҳар бир инсон ватани эканини теран англаймиз. Шу сабабдан ҳам биз Орол фожиасини аҳли башар фожиаси деб биламиз, инсоният келажагига бефарқ қолмаган ҳолда бу фожиа олдини олиш йўлида ҳамжиҳатликка даъват қиламиз. Шу билан баробар олис мозий қаърида донишманд Лукиан ҳикматини ҳам унутмаймиз: «Ҳақиқат шундаки, ўз отасини севмаган фарзанд ўзганинг отасини ҳам ҳурмат қила олмайди, ўз Ватанини севмаган киши ўзгалар Ватанини ҳам қадрлай билмайди».

Ватан бир, аҳду паймон бир! Халқ ҳамжиҳат бўлса, миллати, ирқи ва насл-насабидан қатъий назар, шахснинг мустақиллиги шу қадар тўла таъминланган ва айни пайтда бир шахс бошқасининг тажовузидан шу қадар ҳимояланган бўлади. Икки фуқаролик билан боғлиқ сохта, адолатсиз даъволар эса халқ бирлиги пойдеворини ўпиришга олиб келади, оқибатда шахс мустақиллигига бўлган тажовуз шунчалик ортаверади.

Республикамиз Президенти жаҳон минбарларидан Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари эркинлигини тан олган жумҳурият эканини фахр билан эълон қилди. Эркинлик эса ўзгаларга зиён етказмай туриб, жамики нарсаларни қила олиш ҳуқуқидир. Икки фуқаролик бир жамият ичида бир майда гуруҳнинг ўзгаларга зиён келтириши билан баробардир. Биргаликда қувона билмаган халқ бахтида жойзиба йўқ, биргаликда қайғура билмаган, бир-бирига ҳамдард бўлолмаган халқнинг бахти йўқдир! Халқ ҳамжиҳатлиги асосида дўстлик-биродарликдек муқаддас, илоҳий туйғу бўлади, у фақат бир-бирига қайғудош, ҳаммаслак одамлар ўртасидагина қарор топади, ва ўзаро иззат-ҳурмат туфайли кучайиб боради.

Кўҳна Туркистон аҳли қадим-қадимдан бошқа халқу элатларга хайрихоҳ муносабатда бўлиб келганини тарихий асотирлар исботлайди. Бир ғарб алломаси: «Форслару юнонлар ўтмишда яратган нарсаларни кўз кўриб турса, турклар яратган нарсаларни кўз қамраб ололмайди. Илло, турклар давлатлар яратдилар» — деган экан. Мана шу туркий давлатларда турли халқлар ҳамиша эсон-омонликда, ҳамжиҳатликда яшаганлар. Бундан олти ярим асрдан ортиқ вақт илгари барпо бўлган шоншавкатли Амир Темур давлати пойтахти Самарқандда масжидлар билан ёнма-ён черковлар, Будда ибодатхоналари мавжуд бўлганини овуруполик саёҳатчилар ёзиб қолдирган тарихий битиклар ҳам тасдиқлайди. Рус олими Д. Логофет ёзганидек: **«Овруподa конституция ҳақида оддий тушунчага ҳам эга бўлмаган даврларда Амир Темур давлатида конституцион қонунлар мажмуаси — Тузук мавжуд эди. Унга амал қилинарди».** Фаранг олими Алфонс де Ламартин эса Амир Темур салтанатидаги адолат ҳақида бундоқ ёзган эди: **«Овруподa на Искандарда, на Аттилада ва на Московия зафарини қучган янги фотиҳ-(Наполеон)да бундай адолатли қонунлар асосидаги идорани кўрган эмас!»**

Биз — Амир Темур яратган фуқаропарвар тузуклар, ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Мир Алишер Навоий даъват қилган умуминсоний қадриятларга содиқ авлодлар Истиқлол йўлидан бораётган Ўзбекистон давлатининг тамал тоши адолат замирида қурилиши тарафдоримиз. Бу адолат энг аввало инсон ҳақ-ҳуқуқи, миллатлар тенглиги асосида бўлишини истаймиз.

Шу кунларда тез-тез, турли сабаблар туфайли «Бобурнома»да битилган бир воқеа ёдимга тушади. Мирзо Бобур сарсонлик кезларини тасвирлар экан, бир гал довон ошиш маҳалида кучли қор бўронига дуч келганини тасвирлайди: «Бир ҳафтага ёвуқ қор тепиб, кунда бир шаръий—бир ярим шаръийдан ортиқ кўчулмас эди. Қора тепар (яъни қорни тепиб йўл очадиган) киши мен эдим, ўн-ўн беш ички била ва Қосимбек эди, икки ўғли: Тангриберди ва Қанбар Али била, яна икки-уч навкари ҳам бор эди. Ушбу мазкур бўлғонлар яёқ юриб, қор тепар эдук, ҳар киши етти-ўн қадам илгари юруб қор тепар эди. Ҳар қадам қўйғонида белигача, кўксигача бота-бота қор тепар эди... Ўзга тамом ўбдон-ўбдон йигитлар ва бек отонғонлар отларидин ҳам тушмай, тайёр тепилган ва босилғон йўлға кириб, бошларини қўйи солиб келурлар эди. Маҳал ул эмас эдиким, кишига таклиф ва зўре қилилғай, ҳар кимнинг ҳиммат ва журъати бўлса бундоқ ишларни ўзи тилаб қилур...»

Аслида бу қадим воқеани эслашимга бугунги ташвишли кунларимизда кечаётган ҳодисалару жараёнлар сабабчидир. Яна таъкидлаш жоиз, бу ёдлов узоқ йиллик истибдод сиқуви туфайли жаҳолат ботқоғига ботган одамларнинг янги йўлга олиб чиқиш учун қилинаётган машаққатли ва улуғвор саъйи-ҳаракатлари билан ҳам боғлиқ. Биз қалин қор босган довондан ўтмоқдамиз. Не-не азамат инсонлар фароғатни унутиб, қор тепиб ортдагилар учун йўл очиб бормоқдалар. Бу синов довонида ҳар биримиздан, миллатимиз ва насл-насабимиздан қатъи назар ҳамжиҳат ва ҳаммаслак бўлиб ҳаракат қилишимиз талаб этилади. Ҳар биримиз онгимизга мурожаат қилайлик, биз она ватанимиз учун ҳал қилувчи паллада қай жабҳада турибмиз: қалин қорни тепиб йўл очаётганлар орасидамизми, ёки бу юрт ташвишларидан холи кимсалардек тайёр тепилган ва босилган йўлдан бошимизни қуйи солиб бормоқдамизми? Бугун ҳам Мирзо Бобур ёзганидек, маҳал ул эмаским, «кишига таклиф ва зўре қилилғай, ҳар кимнинг ҳиммат ва журъати бўлса бундоқ ишларни ўзи тилаб қилур».

ОЛИМ МЕҲНАТИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Маҳмуд Салоҳиддинов Ислом Фанлар академияси аъзолигига сайланди. У математика фани тараққиёти ҳамда илмий кадрларни тайёрлаш ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун бу юксак мартабага лойиқ деб топилди. Тошкентга, ўзбек олими номига кўплаб қутловлар келмоқда. Ислом академиясининг бош ижрочи директори Анвар Билбейсий имзолаган телеграммада бундай дейилади: «1993 йилдаги сайлов якунига биноан беш голиб қаторида Ислом академияси аъзолигига сайлангинингизни мамнуният билан билдираман».

Ислом Фанлар академияси 1986 йилда ташкил этилган бўлиб, давлат тасарруфидан ташқаридаги мустақил халқаро ташкилот ҳисобланади. Долзарб илмий муаммоларни ҳал қилишдаги алоҳида хизматлари учун аъзо қилиб сайланадиган жаҳоннинг турли минтақаларидаги атоқли мусулмон олимлари академиянинг аъзоси ва муассислари бўлишган. Академия тил, маданият, урф-одат ва анъана жиҳатидан яқин бўлган халқлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашади. Шунингдек, мусулмон мамлакатларининг фан ва техника соҳасида иш олиб борадиган олимларига ёрдам беради, уларнинг умумий илмий сиёсатини ишлаб чиқишга ҳамда тинчлик ва тотувликни таъминлашга кўмаклашади.

Ислом Фанлар академиясининг асосий вазифаларидан бири—ЮНЕСКО, БМТ тараққиёт дастури, Жаҳон банки сингари халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда воситачилик қилишдан иборат.

Бу ташкилотларнинг Ўзбекистон билан алоқасини мустаҳкамлашда Ислом Фанлар академияси президенти жаноб Мумтоз Али Қозининг яқинда Ўзбекистонга қилган сафари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. У Ўзбекистон Фанлар академиясининг фаолияти, академия институтлари ва ташкилотлари фундаментал ва амалий фанлар соҳасида олиб бораётган тадқиқотлар билан танишиб, Ислом Фанлар академияси аъзолигига Ўзбекистондан вакил кўрсатишни таклиф қилган эди.

Дифференциал тенгламалар назарияси тараққиётига йирик ҳисса қўшган, бу ҳиссаси Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам эътироф этилган улкан олим Маҳмуд Салоҳиддинов бу нуфузли ташкилот аъзолигига муносиб номзод эди.

Л. СТРУННИКОВА,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕК атласининг довруғи қадим-қадимдан жаҳонга ёйилган. Буюк ипак йўли орқали у мағриб ва машриқни забт этган. Бугунги кунда атлас харидорталаб. Наманган вилояти Косонсой туманидаги шойи тўқиш фабрикаси жамоаси маҳсулот турини ўттиз тўрт ҳилга етказди.

СУРАТДА: тўқувчи Шаҳодат Ғаннева.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

ПАРИЖ. Франция Президенти Франсуа Миттеран қисқа расмий сафар билан Болгарияда бўлди. Бу ташриф икки мамлакат ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик алоқаларининг 5 йиллигига тўғри келди. Давлат раҳбарлари учрашувида Франция Болгария ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилди ва бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ВАТАННИ ТАРК ЭТИШЯПТИ

ВИЛЬНЮС. Литвада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1992 йилга нисбатан 46 фоизга камайди. 1993 йилда саноат соҳасида 48 минг ишчи ўрни бўшаб қолди. Бир неча минг малакали мутахассис ҳорижий элларга жўнаб кетди. Натижада бу соҳа инқирозга юз тутди. Республика раҳбарияти ишчи ўринларини тўлдириш мақсадида ёшларни ишга жалб этишни режалаштирмоқда. Бироқ, мамлакат статистика хизматининг маълумотларига кўра, ишга яроқли аҳоли орасида ёшлар жуда кам. Чунки, кейинги йилларда туғилиш ниҳоятда камайиб кетди.

ИШСИЗЛАР КЎПАЯЁТИР

ВАРШАВА. Польшада ишсизлар сони кундан-кунга ўсиб бормоқда. Мамлакатнинг Меҳнат ва иҳтимоий сиёсат вазирлиги текшируви натижасида шу нарса аниқландики, 1993 йилнинг сўнги ойида ишга яроқли аҳолининг 15,7 фоизи, яъни 2,9 миллион киши ишсиз бўлган. Бу рақам расмий рўйхатга олинган ишсизлар сони холос, дейилади вазирлик тарқатган маълумотда.

СТАЛИН ХОКИНИ ГОРИГА КЎМИШМОҚЧИ

ТБИЛИСИ. Халқаро «Сталин» жамияти Россия Президенти Борис Ельцинга мактуб йўллаб, Сталин хокини унинг ватани — Грузиядаги Гори шаҳрига келтириб кўмиш ниятида эканлигини маълум қилди. Жамият аъзоларининг фикрича, Москвадаги қизил майдонни қайта қуриш муносабати билан бу масала кўтарилиши мумкин. Сталиннинг ҳозирги пайтда Москвада хизмат қилаётган невараси, 58 яшар полковник Жугашвили ҳам жамият аъзолари билан ҳамфикр.

РАҚОБАТ КУЧАЙДИ

БИШКЕК. Қирғизистонда биринчи хусусий халқаро матбуот агентлиги — «Қирғиз—Турон» рўйхатга олинди. Шундай қилиб, Қирғизистон миллий телеграф агентлигининг ўзига хос рақиби пайдо бўлди.

Янги агентлик фақатгина хабарлар тайёрлаш ва уларни халқаро бозорда сотиш билан чекланиб қолмасдан, ўз газетаси, илмий-оммабоп нашрлари, бадиий ва болалар адабиётларини чоп этиш билан ҳам шуғулланади.

ЕТТИНЧИ БОР ТАЪСИС ЭТИЛДИ

ПЕКИН. Хитойнинг шарқий қисмида жойлашган Ханчжоу шаҳрида етим болаларга ёрдам жамғармаси ташкил топди. Мамлакат тарихида биринчи бор таъсис этилган бу жамғармага шаҳарнинг ўнлаб йирик саноат корхоналари ҳомийлик қилади. Жамғарма ҳисобига 80 минг юан миқдорида дастлабки маблағ келиб тушди.

ЁРДАМ КАМАЙДИ. НЕГА?

ТОКИО. Японияннинг Европа мамлакатларига сармоя сарфлаши сезиларли даражада камайган. Европа ва собиқ СССР таркибида бўлган республикаларга 1992 йил июнидан 1993 йилнинг июлигача 7,1 миллиард доллар сармоя сарфланган. Бу аввалги йиллардагидан 25 фоиз камдир. Буни Япония иқтисодиётида рўй бераётган салбий жараёнлар билан боғлаш тўғри бўлади, деб хабар беради Япония ахборот маҳкамаси.

САМОЛЁТЛАР ТЎҚНАШДИ

ПАРИЖ. Франциянинг Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли «Мираж-1» типидаги иккита қирувчи самолёт тунги тайёргарлик машқида бир-бирига тўқнашиб кетди. Фалокат натижасида самолётлардан бири қулаб тушди. Учувчи оғир аҳволда ҳарбий касалхонага келтирилди. Иккинчи самолёт эса қийинчилик билан Ланди департаментидаги Мон-де-Марсан ҳарбий базаси қўналғасига етиб келди.

ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИ

ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Билл Клинтон Лос-Анжелесда бўлди. Кучли зилзила натижасида вайронага айланган шаҳар кўчаларини кўрди, одамлар билан суҳбатлашди. Фалокат натижасида зарар кўрган шаҳарни тиклашга 45 миллион доллар маблағ ажратилганини ва бу ёрдам йил бўйи давом этишини маълум қилди.

* * *

НЬЮ-ЙОРК. Америка Қўшма Штатларининг Лос-Анжелес шаҳрида рўй берган кучли зилзила оқибатларининг дастлабки маълумотлари эълон қилинди. РАТА—ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, фалокат оқибатида 29 киши ўлган, шаҳарнинг юзлаб аҳолиси жароҳатланган. Ер ости силкиниши душанба куни эрталаб Америка вақти билан соат 4 дан 31 дақиқа ўтганда бошланган ва бор-йўғи 30 секунд давом этган.

* * *

НИКОСИЯ. Туркия Республикаси пойтахти Анқара шаҳрининг беш миллионли аҳолиси чоршанбадан пайшанбага ўтар кечасини хавотир билан ўтказди. Рихтер ўлчовида 3,8 балл куч билан ер қимирлади. Дастлабки маълумотларга қараганда, ўлганлар йўқ.

ГЕРМАНИЯДА ҲАМ ЕР СИЛКИНДИ

БОННН. Германиянинг жанубий ғарбий туманида Рихтер ўлчовида 3 балл куч билан ер қимирлади. Карлсруэ шаҳридаги геофизика институтининг хабарига кўра, ер қимирлаш маркази Боден-зее қўлидан 10 километрча олисликда жойлашган. Германияда юз берган табиий ҳодиса Американинг Лос-Анжелес шаҳридаги кучли ер қимирлаш билан алоқадор эмас, дейилади институтнинг текширув хулосасида.

ТУИДИРГАННИНГ ҚОРНИГА...

БЕЛГРАД. Американинг Сараевога инсонпарварлик ёрдами олиб келган «Геркулес» типидаги самолёти аэродромда ўққа тутилди. Натижада самолётнинг қанотлари ишдан чиқди. Бундан сал илгари Германиянинг юк ташувчи самолёти ўққа тутилган эди. Инсонпарварлик ёрдамини етказиб бериш билан шуғулланаётган ғарбнинг 6 мамлакати ўз самолётларининг собиқ Югославияга парвозини тўхтатиб қўйди.

ҲЕЧ ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНМАДИ

ВИЛЬНЮС. Литва Республикаси Президенти Альгирдас Бразаускас расмий сафар билан Финляндияда бўлди. Сафар давомида ҳеч қандай ҳужжат имзоланмаган. Ташрифдан кўзда тутилган мақсад Финляндия Президенти Мауно Койвисто, ҳукумат раҳбарлари ва мамлакатнинг тадбиркорлари ҳамда саноатчилари билан учрашиш бўлган холос.

ҲИНДЛАР ҲАМ СОВҚОТИШАДИ

ДЕҲЛИ. Бангладешнинг шимолий ва шимоли ғарбий қисмида бошланган кучли совуқ 29 кишининг ўлимига сабаб бўлди. Об-ҳавони текшириш маркази мутахассисларининг фикрича, совуқ ҳаво оқими бир неча кун сақланиб туради. Камбағалликда ҳаёт кечираётган аҳолининг бошпанаси ва иссиқ кийимлари йўқлиги ҳисобга олинадиган бўлса қурбонлар сони яна бир неча баравар кўпайиши мумкин.

ҲАВЗИ КАВСАР

ДАЛВ КИРДИ

Деҳқон ҳисоби бўйича 21 январдан бошлаб ўлкамизга ДАЛВ кирди.

— Бу кўк юзини қоплаган қалин булутларни қуёшнинг заррин нурлари ёриб ўтиб, қиш уйқусидаги момо ер бағрини қитиқлай бошлайди, деганн. Ҳадемай, бутун борлиқдан қишнинг тунд пардаси кўтарилиб, баҳор нафаси уфура бошлайди. Ариқ ва зовурлар рошида кўкламнинг илк даракчилари бўлмиш ялпиз ва чучмомалар ниш уради. Дов-дарахтлар куртак ёради.

Бу қалблар баҳорни соғинди, сенчи эй замондошим?...

Шикор тўғрисида

Дунё яралибдики, инсоннят табиат инъомларидан, унинг сўлим гўшаларидан, ер ости ва ер усти бойликларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб келмоқда. Айниқса, тоғ ва ўрмон бағридаги ҳайвонот дунёси юзлаб йиллар давомида одамларни ўзига мафтун этиш билан бирга, ризқ-рўз вазифасини ҳам ўтаб келаяпти.

Мамлакатимиз ҳудудидаги тоғлар, ўрмон ва бутазорлар, чўллар, дарё ва сув ҳавзаларида кейинги ўн йилликларда шафқатсиз муносабат туфайли ҳайвонот оламининг турли-туманлиги бузилди, айрим насллари тамоман қирилиб битди. Қуйидаги мулоҳазалар ана шу хатоларни такрорламаслик, тоғ ва ўрмон хўжаликларидаги, дарё ва кўллардаги, дашту биёбонлардаги жонзотларга меҳр-шафқат билан муносабатда бўлиш, шикор жараёнида ов қилиш қонун-қоидаларига қатъий риоя этишга чақиради. Чунки биздан кейинги авлод, фарзанд ва набираларимиз ҳам бу ризқу насибалардан умидвордир.

САЙДИНГ ҚЎЯБЕР САЙЁД...

Ёввойи ҳайвонлар ов қилиниш даражасига қараб, сут эмизувчилар синфи 15 га яқин, қушлар эса 50 дан зиёд турларга бўлинади. Тери ва мўйналари билан саноат аҳамиятига эга бўлган ов ҳайвонларига сут эмизувчиларнинг 1010га яқин тури киради. Мамлакатимизнинг тоғ ва ўрмонлар, дарё ва кўллар мавжуд бўлган туманларида ана шу турдош жониворларни овлаш учун 50 дан ортиқ овчилик хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. —Ана шу жойларда, ёввойи ҳайвонларни, паррандалар ва бошқа жониворларни овлаш учун авваломбор, овчилик хўжаликларининг тегишли рухсатномаси бўлиши керак. Саноат хом ашёси ҳисобланувчи ҳайвонларни ов қилиш учун эса Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тезкор махсус назоратининг рухсатномасигина имтиёз беради. Ишқибозлик ва спорт овлари учун бундай рухсатномалар, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари томонидан берилади.

Аҳоли ўртасида у ёки бу ҳайвон турларини овлашга қизиқувчилар сони, айниқса, бугунги кунларда янада ортиб бормоқда. Шу боис қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим. Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари 18 ёшга тўлгандан кейин, бирон бир овчилик ва балиқчилик жамиятига аъзо бўлиб кирган, аъзолик бадалини ва давлат божини белгиланган миқдорда тўлаган тақдирдагина ов қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Белгиланган ҳудудларда ов қилиш учун ҳар бир шахсда овчилик билети билан бир қаторда юқорида айтиб ўтилган рухсатнома ва йўлланмалар ҳам бўлиши лозим.

Ов мавсуми бошланганига ҳам бир неча ой бўлди.. Республикамизнинг иқлими, ов қилишга рухсат этилган жониворлар турларининг биологик хусусиятлари, улар сони барқарорлигини инобатга олиб, турли туманларда ов мавсумининг бошланиши ёки тамом бўлиши аниқ белгиланган режа асосида олиб борилаётир.

Овчиликни тартибга солишда овнинг муддатига, меёрига, овланаётган жонзот турларини маҳаллий шароитда урчиш мезонига алоҳида аҳамият берилади. Республиканинг ҳамма ҳудудларида ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари паррандаларни овлаш қатъий тақиқланади. Қирғовул қуши бундан мустаснодир. Уни овлаш рухсатнома (лицензия) билан тегишли кунларда ҳам амалга оширилавераді. Шуни унутмаслик керакки, бу йил Ўзбекистонда қирғовул овлашга фақат Тошкент вилоятининг Далварзин овчилик хўжалигида рухсат этилган.

Овчиларга бир кеча-кундуз давомида 5 тагача ўрдак, қашғалдоқ, 2 ғоз, 10 тагача лойхўрак, сув товуғи. Шуррак овлаши меъёр ҳисобланади.

Тақиқланган жойларда ов қилиш ёки белгиланган меъёрдан ортиқча овлаш, тегишли тартибга риоя этилмаган ҳолатда ов қилиш қоидаси қўпол равишда бузилган ҳисобланади ва амалдаги қонунга кўра чоралар кўрилади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, айрим фуқаролар табиат қўйнига дам олиш ёки шунчаки сайр учун чиқиб ўзлари билмаган ҳолда ов қилиш қоидаларини қўпол равишда бузишга сабаб бўлмоқдалар. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза этиш бўйича оператив назоратчилари томонидан ўтган йилнинг 9 ойи мобайнида ов қилишда 564 қонунбузарлик қайд этилди. Уларга нисбатан белгиланган тартибда жарималар солиниб, келтирган зарар юзасидан товонлар ундириб олинди.

Ов қуролларини қўлига олган ҳар бир овчи шуни доимо ёдда тутиши лозимки, бутун йил давомида, Қизил китобга киритилган сут эмизувчилар, қушлар турларини овлаш ва тутиш қатъиян ман этилади.

Э. ШЕРНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш бош бошқармасининг бошлиғи.

НОДОН ОЛТИН СОАТ БИЛАН ЁНҒОҚ ЧАҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазири Рим Абдулович ГИНИЯТУЛЛИН турли мавзулардаги ўзбек халқ мақолларини тўплаши ҳақида илгари хабар беруводик. Вазир тўплаган қуйидаги мақоллар ҳам ўқувчиларимизни бефарқ қолдирмайди.

Виждони пок бўлмаган киши,
Ўйлайди, ҳамманинг юриши — шу.

* * *

Порахўрлик танига синган кишига дунёда пок инсон йўқ.

* * *

Ичи қора одам ҳатто қуёшдан ҳам норози бўлар.

* * *

Нодон тўнғиздан-да баттар.
Тўнғиз дарахтни билмай кемирар,
Нодон, одам бўлса ўз юртини емирар.

* * *

Нодон олтин соат билан ёнғоқ чақади,
Ақлли пўчоқдан ҳам фойда кўради.

* * *

Сувга тупурар тентак,
Унинг учун бу эрмак.
Унга йўл берган киши
Қозонига тупурар демак.

* * *

Гар киши қилмаса еру сувни эъзоз,
Ростдур Она юртидан кечгани воз.

* * *

Одамда Ватанга меҳр-муҳаббат Она сути билангина эмас, элининг ҳаво-суви билан ҳам кирар.

* * *

Сувинг тоза бўлмаса,
Турмушинг заҳарланур.

* * *

Саводсизга икки харф ҳам илм.

* * *

Ақлли киши ҳаммадан ўрганади,
Саводсиз эса ҳаммага ўргатади.

* * *

Инсофли хато қилса ўзидан кўрар,
Муттаҳам эса бировга юклар.

* * *

Бахтсизликнинг белгиси нодонликдир

Ҳинд киноюлдузлари

ДИЛИП КУМАР

Ҳинд киноси ўзига хос, узоқ тарихга эга. Аср мўъжизаси — кино билан ҳинд халқи илк бор 1896 йил 7 июль сешанба куни топишган. Биринчи ҳинд фильми эса 1912 йил 18 майда Р. Торни томонидан яратилган «Пундалик» фильмидир.

Унда авлиё руҳонийнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Ана шу биринчи ҳинд кинофильми яратилган кундан то ҳозирги пайтгача Ҳиндистон тарихнинг аянчли, тўфонли ҳамда барқ уриб яшнаган дамларини бошидан кечирди. Ҳинд фильмлари эса мукаммал санъатга айланди. Ҳозир йилига мингдан зиёд кинофильмлар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу ютуққа ҳинд халқи ўз меҳнатсеварлиги, иқтидори, фидойи режиссёрлари, адиблари, актёрлари туфайли эришди. Хандхираж Пхалке, Химану Раи, Ардашир Эроний, Баруа, Девани Бос, Шантарам, Ҳажи Аҳмад Аббос, Сатяжит Рой, Нимай Гхош, Сунил Датт, Раж Капур, Хеман Гупта, Мукерджи, Мринал Сен, Рама Дайял, Кришна Шох, Музаффар Али, Рамрож Наҳат, Яш Чопра ва бошқалар ҳинд фильмлари шуҳратини оламга ёйган кинорежессёрлардир. Ҳеч бир санъат ўз ижрочисисиз, унинг маҳоратисиз машҳур бўлолмайди. Ҳинд киноси ҳам бетакрор образлар яратган иқтидорли киноюлдузлар туфайли жаҳонга юз тутди. Халил, Тара, Сандоу, Қусум Кумари, Чуни, Лал Дева, Шоши Мукти, Мина Кумари, Шантарам, Султона, Зубайда, Сита Деви, Гулоб, Сулоча, Шанта Кумари, Витхал, Эрмелина Рампиари, Шанкар, Притхвираж Капур, Жайрож, Зебунисо, Мадхури, Гавҳар, Саёний, Сардор Мозур, Раж Капур, Мукерджи, Хема Малини, Мумтоз, Амитабх Баччан, Митхун Чакрабортилар нафақат ҳинд киносининг балки, жаҳон киносининг кўзга кўринган ижрочиларидир.

Ана шундай иқтидорли актёрлардан бири, 1922 йили Ҳиндистоннинг Мадрас шаҳрида таваллуд топган (асли исми Юсуфхон) Дилип Кумардир. Унинг кинодаги ижодий фаолияти 1944 йили «Нью тиэмрз» кинофирмасида яратилган «Денгиз тўлқини» фильмидаги рол ижроси билан бошланди. 1947 йили Ҳиндистон инглиз мустамлакасидан қутулиб ўз мустақиллигига эришди. Мамлакатнинг бошқа соҳаларидаги каби кино санъатида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Миллийлик юксалди.

50-йилларнинг етук актёрларидан бири бўлган Наргис билан ижод қилиш Дилип Кумар учун катта руҳий озуқа бўлди. Машҳур актриса билан бир неча фильмларда унутилмас образлар яратиш Юсуфхонга насиб этди. Улар 1950 йили режиссёр Кидар Шарманинг «Зоҳида» ҳамда 1958 йили режиссёр Маҳбубхон суратга олган «Она Ҳиндистон» кинофильмида ҳамкорликда образлар яратишди.

Юсуфхон дастлаб кинога кириб келган даврдан бошлаб, ўтган 25 йил давомида 50 дан зиёд кинофилфмларда турли образлар яратди. Мамлакатимиз кино мухлислари Юсуфхонни 1956 йили ўтказилган «Ҳинд филмлари кино фестивали»да намойиш этилган фильмлардан яхши билишади.

1960-йилларда экранларимизга чиққан «Даъват» («Чақириқ») фильмида Дилип Кумар софдил мард курашчи образини ижро этган, сўнг икки қарама-қарши хулқ-атворли эгизаклар ҳақидаги «Рам ва Шам» фильми ҳам ўзбекистонликларга яхши таниш.

Таниқли кинорежиссёр Латиф Файзиев Дилип Кумар ҳақида шундай ҳикоя қилади:

— Ҳинд киносига ёшлигимдан мафтунман. Орзуим ана шу сеҳрли ўлка санъати билан яқиндан танишиш. Юсуфхон ҳақида тўхталадиган бўлсак, мен у билан 1963 йили Ҳиндистонда танишганман. У ўзининг ниҳоятда камтарлиги, поклиги ва намозхонлиги билан мени мафтун этган. Ўша пайтда унинг ибодат қилиши менга ғайритабиий туюлганди. Дилип Кумар яшайдиган уй—Бомбейнинг гўзал «Жуху-бич» мавзесидаги «Фильм сити» номли кичик киночилар шаҳарчасида жойлашган. Ушбу шаҳарчада киночилар учун барча шароит яратилган. Юсуфхоннинг рафиқаси Сабихахоним ҳам ҳинд халқининг севимли актрисаларидан бири.

Дилип Кумар ҳозир 72 ёшда. Бутун умри давомида орттирган ижодий ва ҳаётий тажрибасини ёш авлодга ўргатиш билан оввора.

Ҳабибулло ОМОНУЛЛО ўғли.

ИЗЗАТИГА ЯРАША СИЛОВ

Истанбулдаги Байрампоша ҳибсхонасида қотилликда айбланаётган уч қиз сақланмоқда. Улар Украина фуқаролари, Жабрдийда ҳам юртдошлари бўлган...

Симферополдан «оиланинг тирикчилиги»га кўмаклашмоқчи бўлган Ирина, Людмила, Оксана ва Наташа пул ишлаш мақсадида Туркияга йўл олишади. Уларни бошлаб келган йигит «ўнгга ҳам, чапга ҳам» аямай пуллайди-ю, даромадни ўзи ҳал қилади. Бунга чидай олмаган қизлар қўшмачини ўлдириб қўя қолишади. Наташа яширинишга улгуради, учовини эса полиция қамоққа олади. Тартиб бўйича улар Туркия жиноят қонунлари асосида судланадилар. Бу масалада Украина ваколатхонасининг консули Демчук ҳам ёрдам беришга ожиз эканлигини билдирмоқда. Шундай қилиб, мўмай пул илинжида фоҳишаликка ружу қўйган қизларни қамоқхона кутмоқда.

1994 йил—оила йили

ДОНОЛАР ДЕЙДИКИ...

... оила ҳар нарсадан-да азиз, фарзанд — Аллоҳ таоло ато этган неъматлар ичида энг мукаррами, аёл эса Парвардигор яратган бани башариятнинг энг улуғидир. Шу боис ҳам қадим-қадимдан онлада — фарзанд тарбиясига ўта масъуллик билан муносабатда бўлиш уқтирилган. Аёл зоти улуғланиб, унга она сифатида ҳурмату эҳтиром кўрсатилган.

ЮНЕСКО томонидан 1994 йилнинг Онла йили деб, эълон қилиниши отабоболаримиз нақлининг нақадар мукаммал эканлигини яна бир карра исбот этди.

Сиз билан юзма-юз турган ушбу суратда Мустақил Ўзбекистонимизнинг сўлим гўшаларидан биридаги увалижували, кекса ёшдаги онаси ҳурматини жойига қўйиб, жажжи фарзандларини истиқлолимизга шукрона айтган ҳолда тарбия этаётган аҳил ва иноқ онлалардан бири акс этган.

ХУРРАКНИ ЛАЗЕР ЕНГДИ

Бундан буён хуррак отувчилар ҳам «Қизил китоб»га кирса ажаб эмас, негаки унинг давоси топилди.

БУНДАЙ кишилар айниқса америкалик врачларнинг оромини кўпроқ бузган кўринади. Ёки Миннесота штатининг Миннеаполис шаҳри врачлари орасида шундай хусусияти туфайли изза бўлиб юрганлар кўпроқ бўлганми, ҳар ҳолда, улар хуррак балосидан қутилиш йўлини топишди. Уларнинг фикрича, хуррак халқум ва бурундаги кўзга кўринмас ўсимталар туфайли вужудга келади. Хуррак отмаслик учун ана шу ўсимталарни йўқотиш лозим. Жарроҳлик йўли билан уни йўқотиш мумкин эмас, фақат лазер билан даволаш услуби қўлланилади. Енгил наркоз ёрдамида ўсимталарини лазер орқали ўн дақиқа давомида куйдирўиришган мижозларнинг 85—90 фоизи уч-беш марта врач қабулида бўлгач, хуррақдан батамом қутилишяпти.

Хоҳ ишонинг, хоҳ йўқ...

ЗУҲРОДАН ТУШГАН ҚИЗ

МЕН 250 ёшдаман, — дейди бундан 40 йил олдин сайёрамизга космик кема орқали Венерадан тушган жозибали, оқмағиз қиз.

ГЕРМАНИЯДА америкалик Шейла Гипсоннинг «Мен Венерадан учиб келдим» номли китоби чоп этишга тайёрланаяпти. АҚШда эса бу китоб аллақачон қўлмақўл бўлиб кетган. Биринчи босмадан чиққан икки юз минг нусха китоб икки ҳафта давомида сотилиб кетди.

Шейла Гипсон ёки Омнек Онекнинг (у ўзини шундай атамоқда) таъкидлашича, у сайёрамизга 40 йил бурун Зуҳродан келган. Ўзга сайёралик космик кемада Гималайга тушган. Уни бу ердан руҳонийлар топишган ва тоғ монастрида ер ҳаётига тайёрлашган. Жумладан, инглиз тилини ўргатишган. Шундан сўнг у Америкага юборилган, яъни автомобиль ҳалокати туфайли дунёдан кўз юмган етти ёшли қизига ўриндош сифатида Гипсонлар оиласига «ҳадя» қилинган.

Омнек Онек Ерга сайёралар ҳамдўстлигининг махсус топшириғи билан, яъни Қуёш системасидаги барча жонли нарсалар битта катта оилага мансублигини одамларга кўрсатиш учун ташриф буюрган.

Ўзга сайёралик 250 ёшда эканлигини таъкидлаб айтишига қарамай, жуда ёш кўринади, бунинг устига анчагина хушрўй.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО
● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ, (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Примқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Бойқўзиев.
навбатчи — О. Раҳимов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001. Буюртма Г — 754.441. 77698 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 23.10
«Шарқ» нашриёт- матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6